

“Анджон минтакавий йўлларида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “WILLPRINT” мажбуриятларида ички бўлган жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган

ШАРТНОМА № П-2022-283

Анджон шаҳри.

23 ноябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Анджон минтакавий йўлларида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директори Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Ўдратчи”** деб юритиладиган “WILLPRINT” МЧЖНизоми асосида иш кўрувчи раҳбари М.Мадрарамовикейинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Ўдратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Жалалудуқ туман Маданият МФЙ Социаллик кўчасинини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Ўдратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ГАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва акражатларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **42 203 145** (Қирқ икки миллион икки юз уч минг бир юз қирқ беш сўм) ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағни аниқлангандан сўнг тегишли Гавначилик тизимидан (У-хисоб дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”**нинг махсус ҳисобига туширилгандан сўнг, 10 банк иш кунинда **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг 30% пул маблағлари аванс тариқасида **“Ўдратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”**нинг махсус ҳисоб рақамига туширилгандан сўнг, **“Ўдратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова қилинган Ҳулов жалвалига асосан ўтказиб берилади.

2.4. **“Ўдратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилининг 31 декабрь кунига қадар **“Буюртмачи”**га топширилиши шарт ҳисобланади.

Кўрсатилган муддатда **“Ўдратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта кўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ШАРТНОМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Ўдратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар жалвалига асосан биринчи аванс тўлови тушандан бошлаб ишларни бажаришга киришадиган ва иловада кўрсатилган жалвал асосида белгиланган ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномала назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сertiфикати, ишлатилган қурилиш

материаллари ва усуналарининг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. **“Ўдратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдига тўлиқ мулкый жавоб беради. **“Ўдратчи”**, **“Буюртмачи”** олдига ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **“Буюртмачи”**, **“Ўдратчи”** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Ўдратчи”** геология нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланслик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашгандиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геология ишларида хатолар аниқланса, **“Ўдратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиқисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечиктиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Ўдратчи”**, **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисmini ўз ҳисобидан очинишга, сўнг ра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Ўдратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Ўдратчи”** дафтар (журнал)да **“Буюртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларини 3 кун муддатда баргараф этиш чора-тадбирларини кўриши мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасолифий йўқ қилиниши ва шикастланишга **“Ўдратчи”** тўлиқ жавобгар бўлади.

“Ўдратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинмаган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширилгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиши.

Бажариб беришга ишнинг қабул қилиб олиш асосисиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қоплатишни талаб қилиши.

3.9. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Ўдратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда истисод қилинса, ушбу мабланни айрим харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.10. **“Ўдратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўринга, ўз имкониятлардан қилиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жарасининг бузилмаганини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик ҳато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.12. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талабларига даражасида қабул қилиб олиш.

3.13. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширилгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.14. "Пудратчи" дан амалдати давлат стандартлари ва бошка меъерий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошка шахс томонидан тўғририлиши харажатларини қопланганини талаб қилиш.

3.16. "Пудратчи" дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа хужжатлари асосида ишни сифатли бажариш ҳолда қабул қилиб олин.

3.17. "Пудратчи" томонидан ишлаб чиқарилган материаллар ва асбоб ускуналарни иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайлида ишларнинг барча турлари билан тўхисиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.19. Агар "Пудратчи" шартномани амал қилиш мuddати давомида белгилаган объектни "Буюртмачи"га топширмаган тақдирда, "Буюртмачи" мазкур шартнома мuddатлари тугатгандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятини бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарини тўлайди.

4.2. "Пудратчи" объектни ўз вақтида топширмаганилиги учун "Буюртмачи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг сўммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%дан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар "Пудратчи" томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмасин, "Буюртмачи" тўловларини тўхатиб, лoзим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий сўммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдордан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озол этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНИТИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарлиқдан озол этилиши Қонуни хужжатларида белгилаган тартибда кўриб чиқилади.

5.2. "Пудратчи" нинг мазкур шартномани бажарилиши учун бошка шартлашувчи шериклари, ерданчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, "пудратчи" да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ҲАҚАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгилаган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартрилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгилаган маблағли молиялаштирилиши билан боғлиқ шумолар келиб чиққан тақдирда "Буюртмачи" ва "Пудратчи" ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартриш қиритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Қонун хужжатларида белгилаган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орсали ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Гаъначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кирди.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш мuddати аванс олинган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

7.3. Ишларини бажариш бўйича маблағ "Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон ҳудудий максалли жамғармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қалар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш мuddати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тuzилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррумпцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдати қонуналарга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат ишгирикдаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олинган тийишлиши лoзим. Томонлар ушбу харақатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"БҮЮРТМАЧИ"

Андижон минтақавий йўллари буюртмачи
хизмати давлат унитар корхонаси
Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс: 227-66-36 226-88-90
ш/х: 304521860032117045129118028
СТИР 304917491
ОЖОНХ: 42110

Уз. Р. Молия Вазирлиги Гаъначилиги
Гаъна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБББ ХҚҚМ
МФО: 00014
Гаъначилиги бу.линмаси (СТИР) 201122919

Директори:

Г.Мирзаев

"ПУДРАТЧИ"

"WILLPRINT" МЧЖ

Тошкент вилояти Ангрэн шаҳри
Чикризова 2 уй

Халк банки Ангрэн буллими

х/р: 2028000704920594001
МФО: 00784
ИНН: 502 015 002

Директор:

М.Мадрохимов

Бош юриконсулг:

З.Джаборқурлов